

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
Dsc.24/30.12.2019.GM.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ» ДАВЛАТ МУАССАСАСИ**

СУННАТОВ МУХИДДИН САЛОХИДДИНОВИЧ

**БЕШКЕНТ ЭГИЛМАСИ ШАРҚИЙ ҚИСМИДАГИ БЎР ДАВРИ
ЎТҚИЗИҚЛАРИНИНГ СТРУКТУРАВИЙ-ТЕКТОНИК ТУЗИЛИШИНИ
ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА НЕФТЬ-ГАЗГА ИСТИҚБОЛЛИГИ**

**04.00.07 – Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш
ва разведка қилиш**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Суннатов Мухиддин Салохиддинович

Бешкент эгилмаси шарқий қисмидаги бўр даври ётқизиқларининг
структуравий-тектоник тузилишини ўзига хослиги ва нефть-газга
истикболлиги.....3

Суннатов Мухиддин Салохиддинович

Структурно-тектонические особенности и перспективы нефтегазоносности
меловых отложений восточного борта Бешкентского прогиба.....21

Sunnatov Mukhiddin Salokhiddinovich

Structural-tectonic features and prospects for oil and gas capability of cretaceous
deposits of the eastern side of beshkent tag.....39

Эълон қилинган ишлари рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
Dsc.24/30.12.2019.GM.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ» ДАВЛАТ МУАССАСАСИ**

СУННАТОВ МУХИДДИН САЛОХИДДИНОВИЧ

**БЕШКЕНТ ЭГИЛМАСИ ШАРҚИЙ ҚИСМИДАГИ БЎР ДАВРИ
ЎТҚИЗИҚЛАРИНИНГ СТРУКТУРАВИЙ-ТЕКТОНИК ТУЗИЛИШИНИ
ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА НЕФТЬ-ГАЗГА ИСТИҚБОЛЛИГИ**

**04.00.07 – Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш
ва разведка қилиш**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.2.PhD/GM189 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ing.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портал тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Иргашев Юлдашбай геология-минералогия фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Хожиев Бахтиёр Илхомович геология-минералогия фанлари доктори, доцент Халисматов Ирмухамат геология-минералогия фанлари номзоди, профессор
Етакчи ташкилот:	«UZBEKNEFTGAZ» АЖ

Диссертация ҳимояси Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти ҳузуридаги Dsc 24/30.12.2019.GM.41.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «10» июл куни соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100164, Ташкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-уй, Б блок, 507 х, e-mail: igirnigm@ing.uz).

Диссертация билан Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4390 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-уй, Б блок, e-mail: igirnigm@ing.uz).

Диссертация автореферати 2024 йил «22» июн куни тарқатилди.

(2024 йил «09» апрелдаги 83 рақамли реестр баённомаси).


Шамсидинов Б.А.
Илмий дарсхоналар бўрувчи
Илмий кенгаш раиси, к.т.ф.н.
Қасимов С.М.
Илмий дарсхоналар бўрувчи
Илмий кенгаш раиси, г-м.ф.д., к.и.х.
Борданов А.Н.
Илмий дарсхоналар бўрувчи
Илмий кенгаш раиси, г-м.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда дунёда энергия истеъмоли йилдан йилга ўсиб бормоқда, уни ишлаб чиқариш асосан углеводород хом ашёсини ўз ичига олади. Шу билан бирга, очилган йирик нефть ва газ конларининг углеводород захиралари юқори даражада ўзлаштирилганлиги ва уларнинг аксарияти ишлатиш даврининг сўнги босқичидалиги қайд қилинмоқда. Шунга кўра нефть ва газ геологиясининг устувор вазифаларидан бири бу назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган, углеводород (УВ) захирасини ўсишини ошириш мақсадида, нефть ва газ уюмларининг тузилиш ва шаклланиш қонуниятларини аниқлаш ва ўрганиш билан бирга излов-қидирув ишларини жадаллаштириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дунёда геологик тузилишини ўрганиш методологиясини, ҳавзавий моделлаштиришдан фойдаланган ҳолда ҳудудларнинг нефть ва газ салоҳияти истиқболларини рақамлаштириш, шунингдек, углеводород захираларини кўпайтириш ҳамда геологик-қидирув ишлари йўналишларини кенгайтириш мақсадида нефть ва газ конларининг уч ўлчовли геологик моделларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, конларнинг геологик тузилишини аниқлаштириш, сейсмик маълумотларни, қудуқларнинг геофизик тадқиқотлари материалларини қайта ишлаш ва талқин қилиш усулларини такомиллаштириш, углеводородларнинг ҳосил бўлиш ўчоқлари ва латерал ҳамда вертикал миграция йўллари аниқлаш, уюмларни жойлаштириш қонуниятларини аниқлаш, тутқичларнинг ҳосил бўлиш шароитлари ва турларини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада ёқилғи-энергетика комплексини ҳар томонлама ривожлантириш, янги конларни очиш бўйича самарали геологик-қидирув ишлари, хом ашё базасини тўлдириш ва углеводородлар қазиб олишни кўпайтириш бўйича маълум илмий натижаларга эришилмоқда, бу эса республика иқтисодиёти эҳтиёжларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «... саноатни юқори технологияли ишлаб чиқарувчи тармоқларини жадал ривожлантиришга қаратилган, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш орқали янада модернизация ва диверсификация қилиш ...» чора-тадбирлари белгиланган. Шундан келиб чиқиб, углеводород конлари жойлашишининг янги қонуниятларини ўрганиш, геологик ва тектоник тузилиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда Бешкент эгилмаси шарқий қисмидаги конларнинг янги уч ўлчовли геологик моделларини тузиш, бўр ётқизиқларидаги углеводород уюмларининг шаклланиш шароитларини ўрганиш ҳамда нефть ва газга оид геологик-қидирув ишларининг кейинги йўналишини ишлаб чиқиш орқали хом ашё базасини яратишга ҳисса қўшади, шунингдек, углеводородларни қазиб олишни кўпайтириш имконини беради, бу эса катта илмий ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4707-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури», ПФ-4707-сонли 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» ПФ-4947-сонли Фармони, 2019 йил 18 ноябрдаги ПҚ-4522-сонли « Нефть ва газга оид геологик-қидирув ишларини ташкил қилиш ва амалга ошириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» ва 2022 йил 28 январдаги ПФ-60–сонли «Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларга белгиланган ривожлантириш стратегияси»да кўзда тутилган, шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни бажаришга маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги: Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VIII «Ер ҳақидаги фанлари тўғрисидаги (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бухоро-Хива нефть-газли регионида (БХНГР) нефть ва газга истиқболли тузилмаларни излаш ва қидиришга қаратилган регионал ва батафсил излов геологик ва геофизик тадқиқотлар 20-асрнинг 50-йиллари охиридан бошлаб тизимли равишда амалга оширила бошланган.

Илгари олиб борилган ишлар натижаларига кўра, Бешкент эгилмасининг чуқур геологик тузилиши мукамал ўрганилиб, кудуқларда очилган ҳар бир ётқизикларда тоғ жинсларнинг литологияси ҳақида маълумотлар олинган, ўша вақтга қадар юра ётқизигидаги сувли комплексда аномал юқори қатлам босими мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар тасдиқланган. Умуман олганда, БХНГРнида жойлашган Бухоро поғонаси ҳудудида 26 та, Чоржўй поғонасида эса фақатгина 3 та (Учкир, Гарби, Қувачи-Олат) углеводород уюмлари бўр даври ётқизикларида очилган. Бешкент эгилмаси бўр даври ётқизикларининг нефть ва газлилик истиқболларини А.М. Акрамхўжаев, М.Х. Орифжонов, А.А. Обидов, В.П. Алексеев, Г.С. Абдуллаев, П.У. Аҳмедов, А.А. Бакиров, А.Г. Бобоев, Т.Л. Бобажонов, Р.А. Габрильян, З.С. Ибрагимов, А.Г. Иброҳимов, Х.К. Исматуллаев, А.К. Каримов, О.Э. Муродов, Б.У. Нишанов, К.А. Сотириади, Б.Б. Ситдиқов, Б.С. Ҳикматуллаев, Н.Ш. Хайитов, М.Э. Эгамбердиев ва бошқа кўплаб олимлар ўрганганлар.

Қайд этиш жоизки, кўшни Туркменистонда Амударё ҳавзаси ҳудудидаги бўр даври ётқизикларида (Давлатобод, Донмез, Шехитли-Жужукли, Фараб ва бошқалар) конлар очилган бўлиб, улар Ўзбекистонда жойлашган конларга ўхшаш геологик тузилишга эга, Туркменистонда қайд этиб ўтилган барча конлар бевосита тектоник бузилиш (ёриқ)лар яқинида жойлашганлиги ўзига хос омил ҳисобланади. Диссертация муаллифининг фикрича, бўр даври ётқизикларида газ уюмлари пастда жойлашган юра даври ётқизикларидан оқиб ўтган бўлиши мумкин деб ҳисоблаймиз.

Амалга оширилган геологик-геофизик ишлар натижаларида ҳудуднинг геологик тузилиши ўрганилди, углеводород уюмларини тўпланиш учун қулай

шароитлар мавжуд бўлган, асосан бўр даври терриген ётқизикларида, стратиграфик комплекслар мавжудлиги аниқланди. Бироқ, маълум даражада, бўр даври ётқизикларининг нефть-газлилиги ва углеводород захираларини орттириш истиқболлари охиргача тўлиқ ўрганилмаган.

Бинобарин, бўр даври формацияси шаклланишининг ўзига хос тузилиши ва углеводород уюмларининг жойлашиши ва шаклланишидаги тектоник бузилишларнинг ўрни бугунги кунгача етарли даражада тадқиқ қилинмай қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «O'ZLITINEFTGAZ» АЖнинг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ: (Корхона Муборак) КМ 01.03/15.15 «Геологик ва геофизик материалларни таҳлил қилиш, қудуқлардаги геофизик тадқиқотлар (ҚТТ) маълумотларини қайта ишлаш, туз-ангидрит қатламларининг уч ўлчовли геологик-геофизик моделини тузиш, Алан ва Памуқ» конларида рапа (намақоб) намоёнланиши мавжуд зоналарини аниқлаш (2016), (Бошқа Корхона) БК 01.01/19.19 «Шимолий Ғузор углеводород конларининг геологик моделини аниқлаштириш ва захираларини қайта ҳисоблаш (2019), (Ишчи Лойиха) 51/111-ИЛ-2019 «Алан конининг геологик тузилишини аниқлаштириш ва мукаммал ўзлаштириш лойиҳаси (2020), 51/186-ИЛ-2020-Ф12.01.17.20 «Бўзахур (Газ Конденсатли Кон) ГККнининг геологик тузилишини аниқлаштириш ва мукаммал ўзлаштириш лойиҳаси», «Тарносой ГККнинг геологик тузилишини аниқлаштириш ва мукаммал ўзлаштириш лойиҳаси», «Шарқий Бўзахур ГККнинг геологик тузилишини аниқлаштириш ва мукаммал ўзлаштириш лойиҳаси», «Марварид ГККнинг геологик тузилишини аниқлаштириш ва (Таҷриба-синов миқёсида ишлатиш) ТСМИ лойиҳаси», «Чунагар ГККнинг геологик тузилишини аниқлаштириш ва ўзлаштириш лойиҳаси», «Ёрмоқ ГККнининг геологик тузилишини аниқлаштириш ва ТСМИ лойиҳаси (2021), КМ 01.02/18.19 «Олтингугуртсиз газни излаш учун бўр ётқизикларининг нефтьгазлилиги истиқболлини аниқлаш мақсадида «Ўзбекнефтьгаз» АЖнинг Муборак НГҚБ фаолият олиб бораётган ҳудуддаги конларнинг ўрганилганлигини таҳлил қилиш» (2021), (Техник-иқтисодий асослантириш) 51/356-ТИА-2022 «2022-2026 йиллар учун «Ўзбекнефтегаз» АЖ конларида табиий газ ва газ конденсати қазиб олинишини таъминлаш» (2022) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Бешкент эгилмасининг шарқий қисмидаги бўр даври ётқизикларининг тузилмавий-тектоник хусусиятларини ва нефтьгазга истиқболлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чўкинди қопламанинг геологик тузилишини ва унинг кесими хусусиятларини аниқлаштириш;

Бешкент эгилмаси шарқий қисмининг қуйи ва юқори бўр даври ётқизиклари ҳамда юра карбонат формациясининг устки (юза) қисмининг структуравий хариталарига аниқлик киритиб тузиш ва уларни таққослаш;

кудукларда ўтказилган геофизик тадқиқоти маълумотларини талқин қилиш асосида, бўр даври ётқизиклари горизонтларида ажратиладиган тутқичлар ва коллекторларнинг фильтрацион-сигим хусусиятларини ҳамда газга тўйинганлик белгиларини аниқлаш;

ўрганилаётган ҳудуднинг бўр даври ётқизикларидаги истиқболли горизонтлари бўйича локал тутқичларининг уч ўлчовли 3D геологик моделларини ишлаб чиқиш;

бўр даври ётқизикларида аниқланган тутқичларнинг истиқболли ресурслари ҳажмини баҳолаш ва устувор объектлар бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бешкент эгилмаси шарқий қисмининг бўр даври ётқизиклари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Бешкент эгилмаси шарқий қисми бўр даври ётқизикларининг структуравий-тектоник хусусиятларини ва нефть-газга истиқболлилигини аниқлаш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда маълумотларнинг ҳар томонлама таркибий таҳлили, шу жумладан кудукларда ўтказилган геофизик тадқиқотлар ва сейсмик кидирув 2D ва 3D маълумотларини, кудукларни бурғилаш ва синовдан ўтказиш натижаларини, шунингдек Schlumberger компаниясининг замонавий "Petrel" дастурий таъминотидан фойдаланган ҳолда Бешкент эгилмасининг шарқий қисмидаги бўр даври ётқизиклари горизонтларида аниқланган тутқичларни уч ўлчовли геологик моделлар ва улар асосида истиқболли ресурсларни баҳолаш, корреляция схемаларни, геологик кесимларни ва структуравий хариталарни тузиш усуллари қўлланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Бешкент эгилмаси шарқий қисми бўр даври ётқизиклари мажмуаси таркибида углеводород уюмларини тўпланиши учун қулай шарт-шароитларга эга бўлган етти горизонтни назорат қилувчи турон ва альб давридаги иккита регионал гилли тўсиқлар аниқланган;

бўр даври ётқизиклари горизонтларида бешта локал тутқичларни тектоник экранланган (тўсилган), шимолий-шарқга чўзилган бузилишларга тўғри келувчи ёриқлар билан ифодаланганлиги аниқланди ҳамда бўр ва юра карбонат формацияси бўйича структуравий плани ишлаб чиқилган;

шимолий-шарқга чўзилган икки турдаги ёриқлар: биринчиси, мезо-кайназой мажмуасини кесиб ўтувчи; иккинчиси, титон ярусидagi туз-ангидрит формацияда сўнувчи ёриқлар бўлиб, уларнинг тегишли ётқизикларда углеводород уюмлари тўпланишини назорат қилиши аниқланган;

Бешкент эгилмаси шарқий қисмидаги бўр даври ётқизикларини ҳамда Ҳисор тоғ-олди тизмасининг жануби-ғарбий қисмидаги тузости маҳсулдор оҳақтошлари билан ўзаро туташини ҳисобига, Қораил-Лянгар ёриғи бўйлаб флюидларни вертикал оқиб ўтиш эҳтимоли исботланган;

углеводород хом ашё базасини орттириш мақсадида бўр даври ётқизикларидаги дастлабки истиқболли углеводород ресурслари ҳажми баҳоланди, горизонтлардаги локал тутқичларнинг рақамли уч ўлчовли геологик моделлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўр даври ётқизикларини геологик тузилишининг ўзига хослиги ва структуравий-тектоник хусусиятлари ажратилган локал структураларнинг нефть-газлик истикболларини эҳтимоллиги белгиланган;

бўр даври ётқизикларининг XII горизонти бўйича структура харитаси ишлаб чиқилиб, унда ҳар хил турдаги углеводород уюмларини очиш мумкин бўлган майдонлар ажратилиб, геологик-қидирув ишларини кейинги йўналишлари асосланган;

тузилган геологик модел натижаларига асосан аниқланган тутқичларда дастлабки истикболли ресурслар ҳажми баҳоланган;

геологик-қидирув ишларини қайта тиклаш ва сейсмик қидирув ишларини амалга ошириш учун ишламай турган ва тугатилган кудукларда маҳсулдор бўлиши мумкин бўлган горизонтларни синовдан ўтказиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги 339,3 пог.км УЧНУ-2D сейсмик қидирув профилларидан, 5077 км² дан ортиқ УЧНУ-3D сейсмик қидирув майдонларидан ва 350 га яқин кудуклардан олинган (кудуклар геофизик тадқиқотлари ва синов ишлари) ҚГТИ ва синов натижалари маълумотларидан фойдаланишга асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Бешкент эгилмаси шарқий қисмининг ишлаб чиқилган уч ўлчовли геологик модели асосида бўр даври ётқизикларининг нефтьгазлилиги истикболларини асослаш ва тектоник бузилишларни танланган локал структураларининг ичидаги уюмларнинг шаклланишига таъсирини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аниқланган Шўртан, Қорақир, Қуруқсой, Шарқий Бўзахур ва Бўталабулоқ структураларининг бўр даври ётқизикларининг истикболли ресурсларини миқдорий баҳолаш ва мамлакатимизнинг углеводород базасини кўпайтириш, тугатилган ва ишламай турган кудукларни синаш учун геологик-қидирув ишлари йўналишларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши: Бешкент эгилмасининг шарқий қисмидаги бўр ётқизикларининг геологик тузилиши хусусиятлари ва нефтьгазлилиги истикболларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Чанақ, Ғузор, Янги Ғузор, Бўзахур, Шарқий Бўзахур, Шўртан ва Илим майдонларида бўр даври ётқизикларидаги флюидларни стратиграфик мансублиги бўйича таклиф «Ўзбекнефтьгаз» АЖда амалиётга жорий қилинган («Ўзбекнефтьгаз» АЖнинг 2023 йил 27 октябрдаги 02/18-8-882-сон маълумотномаси). Натижада, 3-сонли Бўзахур ва 1-сонли Илим кудукларида синаш, юра даври ётқизикларидан бўр даври ётқизикларига флюидлар оқимнинг мавжудлигини асослаш имконини берган;

Алан конининг бўр даври ётқизикларини синовдан ўтказиш бўйича тавсиянома «Ўзбекнефтьгаз» АЖда амалиётга жорий қилинган («Ўзбекнефтьгаз» АЖнинг 2023 йил 27 октябрдаги 02/18-8-882-сон маълумотномаси). Натижада,

Алан конининг 5-сон қудуғида бўр даври ётқизикларининг IX горизонтини синаш кунига 50 минг м³ дебитга эга бўлган саноат миқёсидаги газ оқимини олиш имконини берган;

Шўртан майдонида бўр даври ётқизикларида маҳсулдор бўлиши мумкин бўлган горизонтларда углеводород уюмларини излаш учун, уч ўлчовли геологик модел асосида, геологик-техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш таклифи «Ўзбекнефтгаз» АЖда амалиётга жорий қилинган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2023 йил 27 октябрдаги 02/18-8-882-сон маълумотномаси). Натижада, бўр даври ётқизикларида, баҳоланган ресурслари ҳажми 17470,0 млн.м³ бўлган уюмларни излаш учун ишламай турган қудуқлар фондини синаш ишларига қайтариш чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини берган;

Бўталабулоқ майдонида бўр даври ётқизикларининг IX-XIV горизонтларида аниқланган тутқичларни тасдиқлаш бўйича таклиф «Ўзбекнефтгаз» АЖда амалиётга жорий қилинган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2023 йил 27 октябрдаги 02/18-8-882-сон маълумотномаси). Натижада, Бўталабулоқ майдонида бўр даври ётқизикларининг IX-XIV горизонтларида тектоник экранланган тутқичлар тасдиқланди ҳамда ҳажми 35575,2 млн.м³ бўлган дастлабки истиқболли ресурсларини баҳолаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг асосий натижалари 2 та халқаро ва 2 та республиканинг илмий-амалий, илмий-техникавий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий ишлар чоп этилган, шу жумладан: 1 та монография, илмий журналларда 7 та мақолалар, анжуман материалларида 5 та тезис ва илмий мақолалар тўпламидаги 4 та мақолалар. Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида иш мавзусининг долзарблиги ва муҳимлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари келтирилган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш баён қилинган, нашр этилган ва диссертациянинг тузилишига доир ишлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бешкент эгилмаси шарқий қисмидаги бўр даври ётқизикларини ўрганилганлик даражаси”** деб номланган биринчи бобида бўр даври ётқизикларининг геологик, геофизик ва бурғилашга оид ўрганилганлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Бўр даври ётқизикларини геологик ўрганиш бўйича асосий тадқиқотларнинг қисқача мазмуни баён қилинган. Ўзбекистондаги бўр конларининг геологик тузилиши масаласи билан А.Д. Архангелский, А.М. Акрамхўжаев, Г.С. Абдуллаев, Н.П. Барбот де Марни, М.М. Бронников, Б.А. Бердман, А.Г. Бобоев, В.В. Вебер, Э.А. Жукова, С.И. Ильин, А.Г. Ибрагимов, А.К. Каримов, Н.П. Луппов, И.В. Мушкетов, С.Н. Михайловский, О.Э. Муродов, Х.Х. Миркамалов, Т.Ж. Мамадалиев, Д.В. Наливкин, С.Н. Симаков, К.А. Сотириади, Б.Б. Ситдиқов, Н.Ш. Хайитов, П.Н. Чуенко, П.А. Чистяков, М.С. Швецов, М.Э. Эгамбердиев ва бошқа кўплаб олимлар шуғулланганлар (1875-1952йй).

Худуднинг турли усуллар билан амалга оширилган геофизик ўрганилганлиги ҳақида маълумот келтирилган. Дастлабки босқичда тадқиқотнинг асосий усуллари магниторазведка, электроразведка ва гравик-қидирув бўлган. Бешкент эгилмасининг чуқурлик бўйича тузилишига доир қонуниятлари олиб борилган гравиметрик тасвирлар ёрдамида аниқланган. Электроразведка ишлари маълумотлари бўйича, бир нечта структуралар аниқланган, улар бошқа усуллар билан ҳам тасдиқланган. Сейсмик-разведка геологик-қидирув ишларининг асосий геофизик усули ҳисобланади, у тадқиқ қилинаётган районларнинг тектоник хусусиятлари ва геологик тузилишини ўрганиш имконини беради. Дастлабки босқичда 1960 йилларда сейсмик қидирувнинг асосий усули - аксланган тўлқинлар усули (АТУ) ва синган тўлқинларни корреляциялаш усули (СТКУ) бўлган, кейинчалик умумий чуқурлик нуқтаси (УЧНУ-2D ва 3D) усуллари кўллаган ҳолда структураларни чуқур бурғилашга тайёрлай бошланди, натижада юра формацияси оҳактошларида бир қанча углеводород конлари очилди.

Бешкент эгилмасининг шарқий қисми бўр даври ётқизикларидаги горизонтларда газ уюмларини излаш мақсадида алоҳида геологик-қидирув ишлари ўтказилмаган. Аммо юра даври ётқизикларининг оҳактош формациясида қудуқларни синаш пайтида салбий натижалар ва сув оқими олинган Шўртан, Бўзахур, Илим ва Киркинчак майдонларида қўшимча тарзда бўр даври ётқизикларининг горизонтлари синовдан ўтказилганда, сув оқимлари олинган, шу сабабли ўрганилаётган райондаги бўр даври ётқизиклари маҳсулдор эмас деган фикрга келинган.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўрганилган ҳудудда жуда катта ҳажмдаги кон геофизик тадқиқотлари бажарилишига қарамай, структуралар фақатгина юра даври карбонат формацияси бўйича тайёрланган ва бўр даври ётқизикларининг терриген формацияси тўлиқ ўрганилмаган, бунинг натижасида бўр даври ётқизикларида уюмларни очиш муваффақият даражаси бугунги кунда нол бўлиб қолмоқда.

Диссертациянинг «Геологик ва геофизик тадқиқотларнинг энг янги маълумотлари асосида Бешкент эгилмасининг шарқий қисмидаги бўр даври ётқизикларининг геологик ва структуравий-тектоник тузилишининг хусусиятлари» деб номланган иккинчи бобида регионнинг геологик тузилиши, кесимларни ташкил этувчи жинслар комплекси, Бешкент эгилмаси шарқий қисмининг тектоник тузилишининг хусусиятлари ва бўр даври ётқизикларининг нефть ва газга истиқболлари ёритилган.

Палеозой даври ётқизиклари Бешкент эгилмасининг шарқий қисмида жойлашган Жилимчи майдонида қазилган 1-сонли кудукда 2915 м чуқурликда очилган. Керн намуналари метаморфлашган (кварцли порфир туфлари ва фельзитли порфирлар) тоғ жинслари билан ифодаланган бўлиб, уларни ёши юқори-ўрта карбонга тегишли.

Юра даври терриген ва карбонат ётқизикларининг стратиграфияси Г.С. Абдуллаев, Х.Х. Миркамалов ва бошқалар (2004-2017йй) маълумотлари бўйича ўрганилди. Юра ётқизиклари литологик таркибига кўра учта терриген, карбонат ва туз-ангидритли қатламга бўлинади: Терриген юра қатлами, ўрганилаётган ҳудуднинг шимоли-шарқий қисмида Жилимчи майдонида 1-сонли кудукда очилган бўлиб, қалинлиги 605 м. Ўрганилган ҳудуднинг марказий қисмида эса очилган қалинлиги (Шўртан тер. 1-сонли кудук) 1353 м ни ташкил этади. Илим, Бўзахур, Янги Ғузор, Ғузор майдонларида қатламнинг фақат юқори қисми очилган. Ўрта-қуйи юра даври формациясида пастдан юқорига қараб бешта XXI, XX, XIX, XVIII ва XVII горизонтлар ажратилган. Ушбу ётқизиклар карбонат ётқизикларга мос ҳолда жойлашган бўлиб, уларнинг кесимида 3 та фацциал турдаги карбонат жинслар ажралиб туради ва XVI, XVa, XV (XVпр) горизонтлар билан ифодаланади. Карбонатли жинсларнинг юқори қисми тўсиқсимон рифлар, рифолди (депрессия), ва рифорти (лагун) фацциаларидан таркиб топган. Тўсиқсимон рифлар фацциасининг карбонат ётқизиклари XVр (юқори ғовакли) ва юқори XVнр (кам ғовакли) горизонтларга бўлинади. Рифолди аккумулятив ботиқлик ётқизиклари риф тўсиғидан жанубда ривожлашган ва микрозаррали оҳактошлар билан ифодаланади. Чоржўй поғонасидаги рифорти лагунали зонада XVa ва XV горизонтларига тегишли карбонат ва карбонат-сульфатли ётқизиклар кенг тарқалган ва улар гоҳо маржон парчалари ва гил ёки ангидрит қатламчалари мавжуд бўлган майда заррали оҳактошлар аралашмалари билан қаватланади.

Юра даври кесимида бешта пачка ажралиб турувчи қалин сульфат-галоген қатлам билан ифодаланган бўлиб, титон ётқизиклари билан тугайди. Риф оҳактошлари устида «пастки» ангидритлар қатламларига мансуб, қалинлиги 4-201 м бўлган ангидритлар қатлами жойлашган. Юқорида, галитдан («пастки» тузлар) таркиб топган қалинлиги 8-309 м бўлган галоген қатлами жойлашган. Сўнгра қалинлиги 4-135 м бўлган ўрта ангидритлар деб аталадиган тузлар ва ангидритларнинг аралаш қаватланган пачкаси жойлашган. «Ўрта» ангидритлар устида қалинлиги 30-686 м қалинлигида бўлган тош тузи («устки» туз) ётади. Титон чўкиндилярининг кесими гил линзалари ва кристалли ангидритлар (қалинлиги 5-20 м) пачкаси билан тугайди. Титон ётқизикларининг қалинлиги 17 дан 1110 м гача ўзгариб туради.

Бешкент эгилмаси ҳудидаги бўр даври ётқизикларининг литологик ва палеонтологик нуқтаи назардан келиб чиқиб А.М. Акрамхўжаев, Х.Х. Миркамалов, Г.С.Абдуллаев ва М.Э. Эгамбердиевлар (1971 й) томонидан батафсил ўрганилган. Юра ва бўр даври ётқизиклари ўртасидаги чегара юқори ангидритлар усти бўйлаб ўтказилади. Қуйи бўр даври ётқизиклари континентал ва денгиз чўкиндиляридан таркиб топган, улар титон қопламлари устида жойлашган ва неоком (241-593 м), апт (63-124 м) ва альб (97-168 м) ярусларга бўлинади. Юқори бўр бўлими сеноман (222-445 м), турон (278-630 м) яруслари ва

кумтошлар, алевролитлар, оҳактошлар ва гиллар билан қаватланган сенон яруси усти (321-507 м) ётқизикларидан тузилган. Куйи ва юқори бўр даври ётқизиклари устида қалинлиги 93-180 м ва 108-276 м бўлган альб ва турон гилларининг ишончли регионал тутқичлари жойлашган.

Кайнозой ётқизиклари палеоген ва неоген-тўртламчи давр системалари билан ифодаланади. Палеогеннинг куйи бўлими гипсли, ғовакли оҳактошлардан иборат ва «Бухоро қатламлари» (10-170 м) номи билан аталади. Ундан юқорида ўрта эоцен гил қатлами (3-129 м) жойлашган бўлиб, уларда ювилиш натижасида ҳосил бўлган, қалинлиги 30-1123 м ли гилли кумтошлар ва майда шағал аралашган кумлардан таркиб топган неоген-антропоген континентал жинслар жойлашган.

Турли йилларда А.А. Абидов, Т.Л. Бобожонов, А.Г. Бобоев, Ш.Д. Давлятов, Г.Х. Диккенштейн, Н.Я. Кунин, Э.В. Лебзин, А.Х. Нугманов, О.А. Рижков, А.Н. Симоненко, Б.Б. Таль-Вирский ва бошқа кўплаб тадқиқотчилар Бухоро-Хива нефть ва газли регионининг тектоник тузилишини ўрганиш билан шуғулланганлар.

Диссертант томонидан Бешкент эгилмаси шарқий қисмининг структуравий-тектоник хусусиятлари ўрганилди. Тектоник жиҳатдан ўрганилаётган ҳудуд Чоржўй поғонасининг жануби-шарқий қисмида БХНГР доирасида жойлашган. Бешкент эгилмасининг шарқий қисми ғарбда Аляуда майдонидан Шўртан конига қадар чўзилган ёриқ билан, шимолда – Учбош-Қарши флексурали узилиш зонаси, шарқда – Қораил-Лангар ёриғи ва жанубда – Амударё ёриғи билан чегараланган.

Бешкент эгилмасининг шарқий қисмида тадқиқот натижалари бўйича икки турдаги ёриқлар ажратилган:

1. Пойдевордан неоген-тўртламчи давргача бўлган ётқизикларни ва Қарақир, Шўртан, Шимолий Шўртан ва Қумчук структураларни кесиб ўтувчи ва ёриқларнинг биринчи тури Бешкент эгилмаси шарқий қисмининг жануби-ғарбидан шимоли-шарқ томон чўзилган, иккинчиси – ўрганилаётган ҳудуднинг жануби-шарқидан шимоли-шарқ томон бўйлаб Шимолий Тандирча майдонини Таваккал ва Ниёз майдонларидан ажратиб ўтади ва Шарқий Бўзахур ва Қораил ҳамда Бўталабулоқ ва Пачкамар майдонларини ҳам ажратиб туради, учинчиси иккинчи ёриққа параллел равишда тарқалади, шу билан Шимолий Тандирча майдони Тандирча, Жанқора майдонларидан ва Қораил майдони Пачкамар майдонлари бўйлаб ўтади ҳамда структураларини ажратиб туради.

2. Кесимни юқори қисмида жойлашган титон ярусидagi туз қатламларида сўниб боровчи ёриқлар кенг ривожланган. Бундай ёриқларни амплитудасининг кичиклиги ва вақтинчалик сейсмик кесимларда аниқ кўринмаслиги сабабли ажратиш мушкул. Ёриқларнинг аксарияти, уларни очган қудуқларни бурғилаш натижалари олингандан сўнг ажратилган.

Бешкент эгилмаси бўр даври ётқизикларининг нефть-газлилиқ истиқболига оид масалалар билан А.М. Акрамхўжаев, В.П. Алексеев, Г.С. Абдуллаев, А.Г. Бобоев, Р.А. Габриелян, З.С. Ибрагимов, А.Г. Иброҳимов, Х.К. Исмагуллаев, А.К. Каримов, О.Э. Муродов, Б.У. Нишанов, К.А. Сотириади, Б.Б. Ситдиқов, С.С. Хабибуллаев, Б.С. Ҳикматуллаев, Н.Ш. Хайитов, Т.Х. Шоймуротов, М.Э. Эгамбердиев ва бошқа кўплаб олимлар шуғулланган (1964-2023йй).

Юра даври ётқизикларида конларни очиш натижалари бўр даври ётқизикларига бўлган қизиқишнинг пасайишига, бу эса қуйи бўр ётқизиклари унумдорлиги паст деган фикрга олиб келди. Бундан ташқари, Айзоват, Шимолий Қамаш, Қиркинчак, Аляуда, Бўзахур, Илим, Шўртан, Ўртабулоқ ва Култак майдонлари бўр даври ётқизикларини синашда олинган салбий натижалар ҳисобга олинган ҳолда бўр даври ётқизиклари Чоржўй поғонаси ҳудудида УВлар тўпланишини ўрганиш ишларини давом эттиришга алоҳида қизиқишни юзага келтирмади.

Бешкент эгилмасининг шарқий қисмида бўр даври ётқизикларида уюмларни излашни самарадорлиги бўр даври ётқизикларининг кам ўрганилганлиги билан боғлиқ бўлиб, бу биринчидан, бўр ётқизиклари бўйича тутқичлар чуқур бурғулаш учун тайёрланмаганлигини, иккинчидан, синаш ишлари структураларнинг периклинал қисмларида амалга оширилганлигини кўрсатди.

Бўр даври ётқизикларида саноат миқёсида нефть ва газ уюмлари тўпланишига имкон йўқлиги, шу билан изоҳланадики, ўрганилаётган ҳудудда регионал тарқалган титон яруси формациясидаги туз-ангидрит қатламидининг ишончли тўсиқ (экран) хусусиятига эгаллиги билан ифодаланади. Аммо қўшни Туркманистон Республикаси ҳудудида бўр даври ётқизикларида шунга ўхшаш стратиграфик кесим бўлсада, у жойда олтингугуртсиз йирик газ конлари очилган.

Диссертациянинг «**Углеводород уюмларини жойлашиш ва шаклланиш шароитлари**» деб номланган учинчи бобида Бешкент эгилмасининг шарқий қисмидаги бўр даври ётқизикларида углеводород уюмларининг жойлашиш қонуниятлари ва шаклланиш шартлари кўриб чиқилди.

Муаллиф БХНГРнинг 139 та майдонидаги бўр даври ётқизикларида олиб борилган излов-қидирув ишлари натижасида 29 та нефть ва газ конлари очилганлиги ўрганиб чиқди, улардан 26 таси Бухоро поғонасида ва 3 таси (Қувачи-Олат, Гарби, Учқир) Чоржўй поғонасида аниқланди. Конлар бўр даври ётқизикларидаги асосий VII-XIV маҳсулдор горизонтларда очилган. Чоржўй поғонаси бўр даври ётқизикларида 3 та коннинг очилиши кўплаб тадқиқотчилар бу ҳодиса қонуният асосида юзага келган деб ҳисоблашган ва уни Чоржўй поғонасида туз-ангидритли қатламларининг кенг ривожланиши билан боғлашган. Бирок, Давлатобод-Донмез, Шехитли-Жуджукли, Фароб (Туркманистон) ва (Ўзбекистон) конларидаги қуйи бўрнинг туз усти ётқизикларидаги Амударё синеклизини ўз ичига олган Турон плитаси доирасида олтингугуртсиз газ конлари аниқланган. Бўр даври ётқизикларида топилган олтингугуртсиз газ уюмлари тектоник ёриқлар яқинида жойлашган бўлиб, улар остидаги юра ётқизикларидан силжиб ўтиши натижасида ҳосил бўлган.

Ўзбекистонда бўр даври ётқизикларида топилган газ уюмларида водород сульфиди йўқ. Тадқиқот натижаларига кўра, бу газ терриген тоғ жинслар орқали ёнлама кўчиш жараёнида содир бўлган, бу ерда водород-сульфиди темир минераллари билан реакцияга киришиб, пирит ҳосил қилади ва газ олтингугуртсиз бўлади. Аммо газ карбонатли тоғ жинслар орқали ўтганда, темир минераллари йўқлиги сабабли бу реакция содир бўлмайди. Шу муносабат билан, газнинг юрадан бўр ётқизикларига кўчиб ўтиши ва тўпланиши тектоник ёриқлар орқали содир бўлган деб хулоса қилиш мумкин.

Бўр даври ётқизикларининг иккинчи ва учинчи тартибдаги структураларида бажарилган ишлар натижасида янада аниқ ва шубҳасиз қонуният аниқланган. БХНГРда нефть ва газ тўпланиш зоналарини назорат қилувчи чизикли чўзилган занжирсимон кўтарилмалар (валлар) кенг ривожланган бўлиб, улар атрофида жойлашган локал структуралар нефть ва газ тутқичлари ролини бажаради. Чоржўй поғонасида иккинчи тартибли чизикли чўзилган структуралар мавжуд, уларнинг атрофида эса Бухоро поғонасидаги каби локал антиклинал структуралар жойлашган.

Авваллари олимлар УВ уюмларининг шаклланиш жараёнини кўплаб омилларга боғлиқлигини таъкидлаганлар. Амударё синеклизасининг шимолий қисмидаги мезозой ётқизиклари ҳажмида УВлар таркиби бўйича маълум геокимёвий зоналик кузатилади, бунинг асосида нефть ва конденсатларнинг иккита генетик тури фарқланади – алкан (УВларнинг асосий манбаи - органик моддаларнинг гумус типидagi континентал генезиси) ва алкан-цикланли (УВ – асосий манбаи сапропел типдаги органик моддаларнинг денгиз генезиси тури жинслари) деб қайд қилганлар. Олимлардан А.Г. Ибрагимов (1998 й) олиб борган тадқиқотлар натижалари, нефть ҳосил бўлишида нефть ҳосил қилувчи манба бўлиб юқори юра карбонат формацияси «қора сланец»лари, газ ҳосил бўлиши учун эса - қуйи ва ўрта юра терриген формацияларидаги кўмирли свиталар ҳисобланишини исботлади.

Бухоро-Хива регионининг бўр даври ётқизикларида УВлар уюмларини шаклланиш шартлари тўғрисидаги масалада иккита фикрнинг қисқача тавсифини кўриб чиқамиз. Биринчи фикр тарафдорлари (А.М. Акрамхўжаев, А.Г. Бобоев, А.К. Каримов, ва М.Э. Эгамбердиев (1966-1974йй)) фикрига кўра бўр даври ётқизикларидаги конлар бирламчи ҳисобланади. Ушбу фикр бўр даври ётқизиклари литологик таркибининг геокимёвий маълумотлари, қўшни Туркменистоннинг бўр фацияли туз усти ётқизикларида йирик конларнинг мавжудлиги, бўр даври ётқизикларида мавжуд бўлган нефть ва газ ҳосил қилувчи генетик салоҳиятнинг мавжудлиги билан асосланади, аммо Бешкент эгилмаси ҳудудида бу тавсифнинг бевосита далиллари ҳали топилмади. Иккинчи фикр тарафдорлари фикрига кўра (З.С. Ибрагимов, И.В. Кушников, А.В. Киршин, Н.А. Крилов, Д. Сиражидинов ва бошқалар (1964-1984йй)) бўр даври ётқизикларидаги УВ уюмлари иккиламчи бўлиб, улар етарлича мустаҳкам қопқоқ мавжуд бўлмаган юра карбонатли формацияси жинсларидан оқиб чиқиши ҳисобига юзага келган деб ҳисоблашади. Бу тахмин гидрогеологик, геокимёвий, тектоник ва бошқа тадқиқотлар билан исботланган, аммо Бешкент эгилмаси ҳудудида бу тавсифнинг бевосита далиллари ҳали топилмаган.

Диссертант иккинчи фикр тарафдорларига қўшилиб, бўр формацияси ётқизикларида УВ уюмларининг шаклланиши карбонат ётқизикларидан суюқлик оқимини сизиб чиқиши туфайли ҳосил бўлган деб ҳисоблайди. Лекин, йирик ёриқлар мавжудлиги, тузости маҳсулдор оҳақтошларини бўр даври ётқизиклари билан тутатиши, УВларни бўр ётқизикларига латериал ва вертикал сизиб ўтиши учун йўл яратади деб ҳисоблайди.

Бажарилган ишларнинг натижалари 1450 м амплитудали Қораил-Лангар ёриғи ва тадқиқот региониди кўплаб тектоник бузилишларнинг мавжудлиги,

БХНГРдаги Чоржўй тектоник поғонаси бўр даври ётқизикларининг эҳтимоллий нефть ва газлилик истиқболлари тўғрисида ўйлаб кўришга ундайди.

Диссертациянинг «Уч ўлчовли геологик моделлаштириш ва Бешкент эгилмасининг шарқий қисмидаги қудуқларни геофизик тадқиқот материалларини қайта талқин қилиш» деб номланган тўртинчи бобида Бешкент эгилмасининг шарқий қисмидаги бўр даври ётқизикларининг нефть-газга истиқболлилигининг илмий асослари келтирилган. Шунингдек, ўрганилаётган районнинг структуравий-тектоник геологик моделини тузиш натижалари, бўр даври ётқизикларидаги локал структураларни аниқланган ва ушбу структуралардаги қудуқларни геофизик тадқиқ қилиш материаллари қайта талқин қилинган ҳолда кўрсатилган.

Жануби-ғарбдан шимоли-шарқ томон чўзилган ва бир биридан регионал ёриқлар билан ажралиб турувчи Амударё синеклизаси, Багажин, Чоржўй ва Бухоро поғоналари доирасидаги бўр ва юра ётқизикларида УВлар уюмларини шаклланишига йирик тектоник элементларнинг таъсири аниқланган, улар бўр ва юра даври ётқизикларида УВ уюмлари ҳосил бўлишига сабаб бўлган. Шу билан бирга, кесимда УВ уюмларини сақланиши учун ишончли экран (тўсиқ) ҳосил бўлишига сабабчи бўлган қалин титон ярусидagi туз-ангидритли қатлам муҳим ўрин тутadi. Алп тектогенези жараёнида ўрганилаётган ҳудуддаги мезо-кайнозой кесимини тўлиқ кесиб ўтувчи кўплаб тектоник бузилишлар ҳосил бўлган. Ҳосил бўлган йирик бузилишларга Амударё, Бухоро ва Қораил-Лангар ёриқларини киритиш мумкин. Бухоро ёриғи туфайли Бухоро поғонаси структураларидаги бўр даври ётқизикларида УВ уюмлари ҳосил бўлган. Бешкент эгилмасининг шарқий қисмида Қораил-Лангар ёриғи мавжуд бўлиб, БХНГРни жануби-ғарбий Ҳисор олди тоғ тизмасидан (ЖҒХТТ) ажратиб туради, бу эса Чоржўй поғонасини Бухоро поғонасидан ажратиб турувчи Бухоро ёриқга ва Багажин поғонасини Чоржўй поғонасидан ажратиб турувчи Амударё ёриғига ўхшаш ёриқдир.

